

Қорбобони қўшиб тилак билдириш ҳақида

15:05 / 07.08.2017 5886

Савол:

Ижтимоий тармоқдаги баъзи муслима опа-сингилларимиз «қорбобо, келаси йилда менга бундай нарса бер», «қорбобо, дўстларимга мана бундай нарсаларни беришингни тилайман» қабилида ниятларини эълон қилишади. Ўтган йили яна бири «Қорбобо, янги йилда менга фарзанд бер», деб ёзган экан, унга “бундай қилиш мумкин эмас” десам, мен «Қорбобо деганда Аллоҳни назарда тутганман» деб жавоб берди. Билишимча, у опа-сингилларимиз қорбобого ишонишмайди, шунчаки рамзий маънода шундай ёзишади. Аммо рамзий маънода бўлса ҳам бу ширк бўлиб қолмайдими? Ниятларини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ижобат қилмаслигини билиб турган ҳолда рамзий маънода бўлса ҳам қорбобони қўшиб тилак тилаш ширкка кирадими?

Жавоб:

[Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

Албатта, ширк бўлади. “Аллоҳ” дейишнинг ўзи ибодатдир. Уларнинг гапи “Аллоҳ” дейишдан қочишдан бошқа нарса эмас.

<http://savollar.islom.uz/savol/33831>